

АДАБИЙ ТИЛ ВА ШЕВА ЛЕКСИКАСИНING ФАРҚЛАНИШИ ХУСУСИДА

Абдуманнон Маждидович ҲАСАНОВ

Таянч докторант

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

О РАЗЛИЧИЯХ В ЛИТЕРАТУРНОЙ И ДИАЛЕКТНОЙ ЛЕКСИКИ

Абдуманнон Маждидович ХАСАНОВ

Базовый докторант

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

ON THE DIFFERENCES BETWEEN LITERARY AND DIALECTAL VOCABULARY

Abdumannon Madzhidovich HASANOV

PhD student

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature,
Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 811.512.133'28

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Ҳасанов А. М. Адабий тил ва шева лексикасининг фарқланиши хусусида. //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 6 (35). — Б. 41–51.

<https://doi.org/10.36078/1613982881>

Received: November 26, 2020

Accepted: December 25, 2020

Published: January 20, 2021

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Бугунги кунда тил софлигини сақлашда халқ шевалари лексикасини ўрганиш жуда муҳим. Айниқса шевалардаги сўзларни адабий тил лексикаси билан қиёслаб ўрганиш ҳамда улар орасидан зарур ва мақбул сўзларни адабийлаштириш тилнинг халқчилигини таъминлаш билан бирга унинг ифода имкониятларини кенгайтишига ҳам хизмат қилади. Мазкур мақолада адабий тил ва халқ шевалари лексикасининг бир-биридан фарқланиши хусусида айрим мулоҳазалар баён этилган. Хусусан, адабий тил лексикаси ва диалектлар луғат таркибидаги асосий фарқларни юзага келтирувчи омиллар таҳлилга тортилган. Бу омилларнинг юзага келишида ҳудудларнинг табиий, ижтимоий, маданий, маиший, иқтисодий хусусиятлари муҳим аҳамият касб этиши мисоллар орқали очиб берилган. Шеваларнинг адабий тилдан фарқланишида шу шева аҳолисининг турмуш тарзи, дунёқараши, маиший ва кундалик фаолиятида ишлатиладиган буюмлар ҳамда куруллар, шунингдек, улар яшайдиган ҳудуднинг табиий тузилиши, иқлими, рельефи ҳамда ҳайвонот, наботот оламининг турфа хилликлари сосий фарқловчи омиллар сифатида қайд этилган. Адабий тил ва шевалар лексикасини қиёсий ўрганиш орқали ўзбек адабий тилида лексик лакуна (номланмаган тушунча) сифатида мавжуд бўлган бирликларни тўлдиришда мазкур жиҳатларга аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Калит сўзлари: адабий тил; шева; шева сўзлари (диалектизмлар); лексик фарқланиш; фарқланиш омиллари; лакуна, лексик муштараклик.

Аннотация. На сегодняшний день очень важно изучать лексику диалектов, чтобы сохранить чистоту языка. Сравнительное изучение диалектных слов с лексикой литературного языка, а также литературное оформление необходимых и допустимых

слов среди них не только обеспечивает популярность языка, но и служит расширению возможностей его выражения. В статье рассматриваются некоторые отличия лексики литературного языка от диалектов. В частности, анализируются факторы, вызывающие серьезные различия в словарном составе литературных языковых лексиконов и диалектов. Роль природных, социальных, культурных, бытовых и экономических особенностей регионов в формировании этих факторов проиллюстрирована примерами. В качестве основных факторов, влияющих на формирование лексики диалектов в отличие от литературного языка, отмечены образ жизни, мировоззрение, предметы и орудия, которые использовало сельское население в повседневной жизни, а также географические особенности — структура, климат, рельеф и разнообразие фауны и флоры. Также в статье отмечается, что путем сравнительного изучения лексики литературных языков и диалектов необходимо обратить внимание на эти лексемы при заполнении существующих единиц в узбекском литературном языке как лексической лакуны (безымянное понятие).

Ключевые слова: литературный язык; диалект; диалектизм; лексическая дифференциация; факторы дифференциации; лакуна; лексическая общность.

Abstract. The study of folk dialects vocabulary is one of the topical issues of linguistics. The comparative study of dialect words with the vocabulary of the literary language, as well as the literary design of the necessary and acceptable words, does not only ensure the popularity of the language but also serves to expand the possibilities of its expression. The article examines some of the differences between the vocabulary of the literary language and folk dialects. It analyzes the factors that cause serious differences in the vocabulary of literary language lexicons and dialects. The role of natural, in particular the geographical structure, climate, relief and diversity of fauna and flora, social, cultural and economic characteristics of regions, as well as lifestyle and worldview of people in the formation of these factors is illustrated by examples. It was noted that through a comparative study of the vocabulary of literary languages and dialects, these aspects should be taken into account when dealing with lexical lacunae of the Uzbek language.

Keywords: literary language; dialect; dialectism; lexical difference; factors of difference; lacunae; lexical equivalence.

Кириш. Тил муттасил ривожланар экан, унда янгидан янги тушунчалар, сўзлар пайдо бўлиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Мазкур жараёнда тил лексикаси софлигини таъминлаш ва умумхалк тилига яқинлаштириш учун унинг халқ шеваларидаги сўзлар билан бойитилишига жиддий аҳамият қаратиш зарур. Бошқача айтганда, халқ шевалари адабий тил лексикасини бойитувчи ва унинг асосини ташкил этувчи манба сифатида миллат онгидаги жуда кўп номланмаган тушунчаларни атовчи бирликларга эга. Шу бирликлар орқали адабий тилда лексик лакуна сифатида “яшаб келаётган” тушунчаларни номлаш энг мақбул усулдир. Махсус номланмаган, бироқ тил эгаларининг коммуникатив эҳтиёжлари учун зарур бўлган тушунчаларни ифодаловчи диалектизмларни халқ шеваларидан топишда муайян тизимли ёндашув талаб қилинади. Хусусан, адабий тил лексикасининг муайян кичик тизимини тўлдиришда қайси шеванинг имкониятлари юқори эканлигини билиш бу борадаги ишларнинг самарали бўлишини

таъминлайди. Албатта, ҳар бир шева муайян ҳудуднинг аҳолиси дунёқарашининг кўзгуси сифатида бошқа шевалардан ва адабий тилдан фарқли бўлган жиҳатларга эга. Бу жиҳатлар сабаб айни шевалар ўзбек тили лексикасини бойитишда ўзгача имкониятларга эга бўлади. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланишда адабий тил ва халқ шевалари лексикасининг бир-биридан фарқланиши ҳақида муайян билимларга эга бўлиш талаб қилинади. Ўзбек тилшунослигида диалектологик тадқиқотлар анча. Бироқ адабий тил ва шевалар лексикасини қиёсий ўрганиш асосида кузатиладиган фарқлар тизимли равишда таҳлил қилинмаган.

Тадқиқот мақсади:

Мазкур мақола орқали шевалар лексикасининг адабий тил лексикасидан фарқланишини юзага келтирувчи омиллар таҳлил қилинади. Бу омиллар муштарак ва фарқли белгиларига кўра тизимли таснифланади. Мазкур мақоланинг бош мақсади бу фарқланишнинг асосий омилларини аниқлашдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

— халқ шеваларидаги ўзгачаликларнинг ҳудудларнинг табиий-геогафик хусусиятларига боғлиқлигини ўрганиш;

— шеваларнинг адабий тилдан фарқланишини юзага келтирувчи ижтимоий-маданий омилларни таҳлил қилиш;

— ҳудудлар аҳолисининг иқтисодий ва маиший ҳаётига оид диалектизмларнинг адабий тил лексикаси билан қиёслаш ва уларнинг мақбулларини адабийлаштириш бўйича таклифлар бериш.

Мазкур мақолага қарлук, кипчок, ўғуз лаҳжалари элементларини ўзида мужассамлаштирган ўзбек халқ шевалари **объект** сифатида танланган. Адабий тил ва шевалар лексикасидаги фарқланишларни юзага келирувчи омиллар мазкур мақоланинг **предмети** ҳисобланади.

Натижа ва мулоҳазалар. Муайян халқнинг этник таркиби турлича бўлиши мумкин. Инсоният яралибдики, уруғчилик, қабилачилик асосида алоҳидаланиш ва ҳудудий фарқланиш азалдан мавжуд бўлиб келган. Муайян бир ҳудудда яшовчи кўплаб элат(уруғ)лар ўз дунёқарашини, маданиятини билан бир-биридан фарқланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этмайди. Айни шу хусусиятлар уларнинг тилида ҳам намоён бўлади. Шева деб аталадиган “кичик тил” айнан уларнинг маданияти кўзгуси сифатида элат (уруғ)нинг дунёқарашини, оламий идроки ва турмуш тарзини ифодаловчи бетакрор воқелиқдир. Албатта, элатлар орасидаги маданий, иқтисодий, ижтимоий ва этник жиҳатларни фарқловчи хусусиятлар шевада ҳам ўз аксини топади ва бу мазкур шеванинг адабий тилдан, шунингдек, бошқа диалект ва шевалардан фарқланишини юзага келтиради. Бу фарқланишнинг ёрқин ва хусусий кўриниши сифатида шева ва адабий тил лексикасининг қиёсида аниқланган лексик лакуналар ҳам тил ва унинг шевалари лисоний тафовутини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Лакуна тушунчаси канадалик олимлар Ж. П. Вине ҳамда Ж. Дарбельне томонидан илмий муомалага киритилган. Бу тушунча дастлаб таржимашуносликдаги атама сифатида куйидагича таърифланган: “Бир тилдаги муайян сўзнинг ўзга тилда муқобили мавжуд бўлмаганда лакуна ҳодисаси воқеланади” (1, 10). Тарифдан ҳам кўриниб турибдики, мазкур ўринда олимлар лакунанинг икки тил муқоясасида наикланадиган, икки маданиятнинг концептосферасида бир-бирига муқобил бўлмаган тушунчаларни ифодалаш учун мазкур атамани қўллаган. Лакуна атамасининг кейинги даврдаги жузъий семантик ўзгаришларга учраса-

да асл терминологик хусусиятларини сақлаб қолишида айна шу тариф бирламчи асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Лакунага берилган таърифларда икки (ёки ундан ортиқ) тилнинг муқоясаси (солиштирилиши) натижасида аниқланган лексик бўшлиқ назарда тутилган бўлса-да, аслида, дунёқараш, маданият, менталитет ва оламни лисоний идрок этишдаги турфа хиллилик унинг пайдо бўлишидаги (ва аниқланишидаги) асосий омиллардан биридир. Аксар таърифларда ҳам айнан маданиятга (тилга эмас!) урғу берилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Бундан хулоса чиқадики, лакунарлик икки ёндош халқ тилида, ҳатто бир оила ва туркумга кирувчи қардош тиллар орасида ҳам мавжуд.

Қарлук, қипчоқ, ўғиз гуруҳидаги тиллар элементларини ва хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, турфа диалектли ўзбек халқ шеваларида ҳам лакунарлик ҳодисаси кузатилиши аниқ. Айниқса, бутун халқ учун умумий бўлган адабий тил билан шевалар лексикаси қиёсида лакуналар мавжуд бўлиши табиий ҳол. Зеро, адабий тил халқ шеваларидаги ҳамма сўзлар (тушунчалар)ни қамраб олиши амри маҳол. Ҳолбуки адабий тилга аксар шевалар учун умумий бўлган, зарурий ва оммабоп сўзлар саралаб олинади.

Ўзбек тили қарлук, қипчоқ, ўғиз лаҳжаларининг умумий лексик фондини ўзида мужассам этган жуда бой тил ҳисобланади (11). Тахминий ҳисоб-китобларга кўра миллий тилда қўлланувчи сўзлар миқдори бир миллионга етади (8, 65). Албатта, мазкур миқдор нисбий бўлиши мумкин. Лекин барча туркий тилларнинг асосий типлари қарлук, қипчоқ, ўғиз тилларининг хусусиятлари уйғунлашган ва шу тип лаҳжаларига эга бўлган ўзбек тили ҳақидаги бу фикр ҳақиқатдан йироқ эмас. Бу қадар бой лексикани барқарорлаштириш ва меъёрлаштиришда адабий тилнинг ўрни беқиёс. Шевалардаги муштарак маъноли, ўзаро дублет ёки бир-бирига муқобил сўзлардан фақат энг мақбул(лар)ини сараланиши ва кенг истеъмолга йўналтирилиши орқали тил лексикасининг барқарорлиги таъминланади. Йўкса бир миллион сўзнинг қўлланилиши тил эгаларида бир-бирининг нутқини тушунилиши ва англанилишига монеълик қилади. Зеро, бир инсон ўртача 20-30 минг сўзни ўз лисоний базасида сақлайди (11). Гарчи инсон хотираси бундан-да катта имкониятларга эга бўлса-да, ўз луғат бойлигини ошириш учун кўп вақт ва куч сарфлашига тўғри келади. Айна шу жиҳатларнинг мақбуллашишида ҳам адабий тилнинг аҳамияти катта.

Шеваларнинг бир-биридан ва адабий тилдан фарқланишини тадқиқ қилиш ва бунинг сабабларини топиш бу борадаги ишларнинг муқаддимаси саналади. Кузатишлардан маълум бўладики, бу сабабларнинг аксарияти мураккаб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, жуғрофий-тарихий илдизларга эга. Уларнинг энг фаол ва муҳимлари сифатида қуйидаги омилларни кўрсатиш мумкин:

1. Диалектларда оламнинг лисоний манзараси адабий тилдагидан фарқланиши. Антропосентрик тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири бўлган оламнинг лисоний манзараси “борлик ҳақидаги ижтимоий (шунингдек, муайян гуруҳ, индивидуал) онгда шаклланган билимларнинг муайян тартибдаги жами”ни ифодалайди (4, 138). Мазкур тушунча шева вакиллари дунёқарашининг таркибий қисми сифатида уларнинг когнитив ва лисоний фаолиятида ҳам муайян салмоққа эга. Яъни, шева вакиллари атрофдаги оламни ўз лисоний жамоасида қабул қилинган қолипларга асосан идрок этади” (5, 113). Шахснинг тил кўникмаларини эгаллашида асосий муҳит бўлган шева албатта ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис ҳам тил соҳиби кейинчалик

адабий сўзлашув меъёрларини ўрганган пайтда ҳам у ёки бу даражада ўз шеvasи элементлари асосида умумлисоний малакаларни ўзлаштиради. Бу жиҳатлар шева лексикасининг бир қадар мунтазамлиги ва барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

2. Худудий жиҳатдан муайян гуруҳ ўзгача фаолият ёки касб-хунар билан шуғулланиши мумкин. Бунинг натижасида шу касб-корга хос диалектизмлар адабий тилдан фарқланиши кузатилади. Хусусан, гиламчилик билан шуғулланувчи баъзи кишлқлар шеваларида *гажир*, *қириқ*, *қўчқоршоҳ*, *отарғи* каби диалектизмлар бор ва улар адабий тил учун лексик диалектизм ҳисобланади.

3. Кичик худуднинг ёндош худудлардан ижтимоий, лисоний, маданий, иқтисодий (ва б.) жиҳатдан ажралганлиги, лисоний алоқаларнинг нофаол бўлиши (шунингдек, шу худуд аҳолисининг қўшни худуд вакиллари билан алоқа қилишни истамасликлари) натижасида ўша худуднинг тил лексикаси айро ривожланиши мумкин. Бу каби ҳолатлар асосан, XX аср бошларигача мавжуд бўлган ва кўпгина шеваларнинг алоҳидаланишига асосий сабаблардан бири бўлган. Кейинги даврда, айниқса, ОАВ кенг оммалашган 50-йиллардан сўнг бу омил йўқолиб улгурди (10, 6).

4. Шевалар билан адабий тил лексикасида лакунарликнинг ҳосил бўлиши муайян шеванинг географик жиҳатдан қўшни халқ(лар) билан фаол ижтимоий, маданий алоқалари натижасида ҳам шаклланиши мумкин. Қўшни ва қардош халқлар билан алоқалар натижасида шаклланган уч лаҳжа ўзбек миллий тилининг асоси ҳисобланади. В. Решетов ҳамда Ш. Шоабдурахмонов қайд этганидек, бу уч лаҳжанинг қардош ва қўшни халқлар билан муносабати уларнинг адабий тилдан фарқланишида катта аҳамиятга эга (6, 36).

Мазкур ҳолат тегишли лаҳжаларда қардош ёки қўшни этнос тили ва маданиятига хос бўлган ва умумўзбек дунёқарашидан фарқланувчи тушунчалар шаклланишида асосий омиллардан бири бўлган.

5. Адабий тил ва шевалар ўртасида лакунарликнинг пайдо бўлишида адабий тилнинг меъёрий хусусиятларга эга бўлишга интилиши ҳам муҳим омиллардан биридир. Шевалардаги ҳар қандай сўзни адабий тил лексикасига қабул қилиш адабий нормаларнинг бузилишига олиб келади. Лекин шуни ҳам ёдда тутиш керакки, адабий норма ва меъёрларнинг диалектизмларнинг оммаланишига ҳаддан зиёд тўсиқ бўлиши тил лексикасида шевага хос миллий сўзларнинг концентрацияси камайишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун эса тил нормаларини оқилона тизимлаштириш ва тартибга солиш талаб этилади. Зеро, “... халқ шева ва лаҳжаларида табиий, объектив реал мавжуд-у, адабий тилдагисини кимдир сунъий равишда ўйлаб топган эмас” (8, 78). Бундан хулоса шуки, ўзбек адабий тили нормаларининг лисоний негизи ҳам ўзбек миллий тилида мавжуд объектив имкониятларга, табиий равишда реал мавжуд хусусиятларга таянади.

Турли худудларда яшовчи аҳолининг турлича фаолият билан шуғулланиши улар шевасида шу соҳа атамаларининг кенг қўлланилишига сабаб бўлади. Шунингдек, шеваларнинг бир-бирдан ва адабий тилдан фарқланишига хизмат қилувчи шундай сўзлар борки, уларнинг мавзувий гуруҳлари, лингвистик хусусиятлари, географик ва этник ўзига хослигини алоҳида қайд этиш лозим:

1. Худуднинг урф-одатлари билан боғлиқ бўлган сўзлар. Бундай сўзлар кичик худуддаги шева вакилларидагина оммалашган ва сақланиб қолган урф-одатлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, қарлуқ типидagi Жиззах шеваларида сўзлашувчи аҳоли орасида *алмаштовоқ*, *камтир*

ўлди каби удумлар бор. *Алмаштовоқ* куда-анда бўлган икки хонадоннинг бир-бири юилан идиш-товокларини алмаштиришини ифодалайди. Кампир ўлди удуми эса куёвнинг келин олдига кираётганда меҳмон кампирлардан бирининг “ўлиб” қолишини (7, 34) ифодалайди (кейин куёв уни пул билан “тирилтиради”).

Бундай урф-одатлар олдин кўпгина уруғларда мавжуд бўлган. Лекин давр ўтиши билан улар унитилган ёки олдиндан бу элатда умуман оммалашмаган бўлиши мумкин. Шу боис бу каби удумлар баъзи ҳудудларда учрамайди ва шу ҳудудлар шеvasида лакунарликни юзага келтиради.

2. Ҳудуднинг ўзига хос рельефи билан боғлиқ сўзлар. Бундай сўзлар аҳолининг қандай географик ҳудудларда яшашига боғлиқ тарзда шаклланган. Тоғли ҳудудларда *газа, ёна, авго, чагат* каби диалектизмлар тоғнинг муайян қисмини ифодалайди. Бундай сўзлар чўл ёки текислик ҳудудларида яшовчилар нутқида ва лисоний базасида деярли учрамайди. Чунки улар тоғнинг ўзини тушунган ҳолда унинг қисмларини деталлаштириб, аниқ аташга ва фарқлашга лисоний эҳтиёж сезмайди. Худди шунингдек, чўл ҳудудларида кўлланивчи *бархан, сароб* каби сўзлар тоғлилар учун муҳим лисоний аҳамият касб этмайди.

3. Ҳудудда мавжуд иктисодий-ижтимоий объектлар номлари. Тан олиш керакки, инсоният тарихида деҳқончилик ва хунармандчиликнинг алоҳидаланишидан шаклланган шаҳар — қишлоқ фарқланиши тилда ҳам ўз аксини кўрсатган. Бугунги кунда ҳам шаҳар аҳолиси қишлоқ шеваларидаги кўпгина сўзларни осонликча тушунмайди. Қишлоқ шеваларида ҳам шаҳардаги айрим ижтимоий-иктисодий объектларнинг номлари кенг тушунишли эмас. Ҳозирда ҳам *матлубот, гастроном, нозимхона, ҳостел* каби сўзларни қишлоқ ҳудудларидаги “шаҳар кўрмаган” одам осонликча англамайди.

4. Ҳудудларнинг ёндош халқ билан маданий алоқалари натижасида шаклланган сўзлар. Бундай алоқалар азалдан бўлиб келганлиги сир эмас. Ҳозирги кунда кўшни давлатлар билан чегараларда қатъий тартиб ўрнатилган. Лекин яқин йилларгача кўшни халқлар билан борди-келди, куда-андачилик муносабатлари фаол бўлган. Бунинг натижасида кўшни халқ маданияти, дунёқараши таъсирида диалектларда муайян ўзгача ва кўшни маданиятга хос тушунчалар шаклланган. Масалан, қозоқ халқига яқин жойлашган ҳудудларда киз олиб қочиш анъанаси ва бу билан боғлиқ *қиз қувди, куёв қочди* тушунчалари юзага келган. Бу эса шу ҳудудлар шеvasида мазкур тушунчалар билан боғлиқ атамаларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

5. Ҳудуднинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ сўзлар. Ўзбекистон ҳудуди кенг ва табиати хилма-хил ўлка саналади. Ҳудуднинг табиий тузилиши, рельефига хос тарзда унинг биосфераси ҳам муайян турфа хиллик касб этади. Бу эса ҳудудлардаги ҳайвонот ва наботот оламининг бир-биридан фарқланишини юзага келтиради. Мазкур жиҳат ҳам ҳудудлар шеvasининг бошқа шевалардан фарқланишида ҳам асосий омиллардандир.

Шеваларда ўсимлик ва ҳайвонларнинг номланишидаги турфа хиллик ҳудуд аҳолисининг дунёқараши, оламий идроки ва лисоний имкониятларига асосланади. Адабий тилда *бугдояк* деб аталувчи ўсимликнинг қарлуқ тип шеваларида *так-так*, кипчоқ шеваларида эса *ёввойи арпа* деб номланиши бу фикрларни тасдиқлайди.

Табиати ва иқлими билан фарқланувчи ҳудудларда эса фақат шу ҳудудларга хос ҳайвонот ва наботот дунёсининг мавжудлиги шевалар фарқланишининг қавариқ намоён бўлишига хизмат қилади. Чунончи, Устюрт платосида ўсувчи кендир, қизилмия каби ўсимликлар бошқа ҳудудларда учрамайди. Ёки Қизилқумда яшовчи *хонгул*, *қулон*, *сайғоқ* каби ҳайвонлар бошқа ҳудудларда учрамайди. Бу ҳолат мазкур атамаларнинг бошқа шеваларда оммалашмаганлигининг асосий сабабидир.

6. Баъзи ҳудудларда ишлатилувчи уй-рўзгор буюмлари ва иш қуролилари номлари. Айрим ҳудудларда шундай иш қуролилари борки, улар бошқа ҳудудлар аҳолиси учун нотаниш. Қишлоқ ҳудудларида, хусусан, Бахмал туманидаги турк уруғлари шевасида *ҳаккачўп* номли иш қуроли мавжуд. У янтоқ ва бошқа тиконли ўсимликларни ўриш, йиғиш жараёнида ўроқ билан биргаликда ишлатилади. Худди шу каби *чаноч* (7, 377) номли жонлиқ терисидан қилинган тўрва Зомин ҳудудларида рўзгор буюми сифатида ишлатилади.

Уй-рўзгор буюмлари ва иш қуролиларининг ясалиши ва тайёрланиши ҳам худудий жиҳатдан фарқланиши мумкин. Бу эса шевалар лексикасидаги тафовутни янада равшанлаштиради. Чунончи, Хоразм ва Қашқадарё шеваларида *корсон* диалектизми ёғочдан ясалган катта коса маъносида ишлатилса (9, 142), адабий тилда бу сўз ҳар қандай материал (темир, мис ва б.)дан ясалган лаган маъносида қўлланади.

7. Ҳудудларда яшовчи аҳолининг диний-тотемистик ва мифологик қарашлари билан боғлиқ сўзлар. Айрим ҳудудларда умумхалқ эътиқодидан фарқли бўлган ирим-сиримлар, эътиқодий анъаналар ва мифологик қарашлар мавжуд. Айни шу жиҳатлар сабаб ҳам шеваларда баъзи ўзгачаликлар кузатилади. Кўпгина туркий элатларнинг тотемистик қарашларига кўра бўри бахт-омад келтирувчи тотем сифатида қаралади. Бунинг тилдаги тажаллиси сифатида “*бўри кўрибсиз*” (// “*бўри кўрибсан*”) ибораси иши юришган, омади чопган кишига нисбатан унинг ютуғини эътироф этиш учун айтилади.

8. Бино ва иншоотларнинг қисмлари, тузилиши ва бошқа ўзгачаликларини ифодаловчи сўзлар. Бу хусусиятли сўзлар турли диалектларда учрайди ва шеваларнинг тафовутланишида, шунингдек, шева билан адабий тилнинг фарқланишида ҳам муҳим жиҳатлардан бири сифатида қаралади.

Аксар қишлоқ ҳудудларида лой (тупроқ ва сув қоришмаси) уй ва бошқа иморатлар учун асосий қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Бироқ турли ҳудудларда лойдан девор кўтариш жараёнида қандай йўсинда фойдаланиш фарқланади. Масалан, Бухорода девор орасига ёғоч қўйиб, ғишт (ёки ғўлак) теришга асосланган *чўпкори* бинокорлик Фарғона водийсида лойни тўғри (ғишт қилиб қуритмасдан) девор устига босиш — *пахсадан* кескин фарқланади. Аксар ҳудудларда эса ғишт (ёки ғўлак) ва лойнинг ўзидан (ёғочдан фойдаланмай) девор кўтариш оммалашган. Бунда, албатта, ғиштнинг қуруқ бўлиши талаб қилинади.

Том устини ёпишда шиферни абдовга мос ҳолда (нишаб тарзда) ўрнатиш (қоқиш) жуда муҳим. Қурувчилар уй томини шамош учирмаслиги (қулатмаслиги) учун шиферни “*конверт*” усулида қоқди. Бунда шиферланган том шакли пирамида кўринишида бўлади. Мазкур шакл томга тушадиган ёғин-сочинни безарар бартараф қилишдан ташқари унинг кўркини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

ВИННИ	токнинг ёввойилашган, меваси кичик бўладиган тури
ГАЛБИЗИ	булғор қалампирининг ичига масалликлар солиб, қайнатиб пишириладиган таом
ГЕЛГИМОҚ	турган ҳолатда мувозанатни йўқотмоқ ва йиқилмасдан ўзини тутмоқ
ГУЛТОМОҚ	давradoшларидан фарқли, ўзгача овқатланадиган, нозик таъбли хўранда
ЕГИРМОҚ	бирор жой ёки объектнинг атрофини девор ёки бошқа тўсиқ билан ўрамоқ, чегараламоқ
ЕРЎЧОҚ	ерни ўйиб ясалган ўчоқ
ИНЖИЛМОҚ	бирор ишга ёки илтимосга норози бўлиб турмоқ, оғринмоқ
ЛОШАК	полиз экинлари (хусусан, қовун)нинг пишмай қолган ва молларга бериладиган сапчаси
МАҒАЛ	келиша олмаслик, чиқишмаслик ва жанжаллашиш
ПАТТИ-САТТИ	тартибсиз ва бемаъни (гап ҳақида)
ПАШШАЛАМОҚ	пашша қўриб бош ва думини тинимсиз қимирлатиб туриш (уй хайвонлари ҳақида)
ПИЧИМА	бичилган қўчқор
ПОКИ	устарага ўхшаш соқол олиш асбоби
ПЎПИЛ	хайвон ва паррандалар танасидаги попуқ пат ёки жун
САБИҚА	муроса, тортишувда бироз паст келиш
САРДАНИШ	ўз-ўзидан нолиш, ўзгага арзи ҳол қилиш
ТЕВАЛАМОҚ	кетмон, ўроқ каби асбоблар тиғини болға билан юқкалаш
ТЕТАЙМОҚ	юриб кетмоқ (ёш бола ҳақида)
ТИЛДОШ: ТИЛДОШ КАЛИТ	битта қулфга тушадиган, ўхшаш калит (бир-бирига нисбатан)
ТИРРАЙМОҚ	озғинлашмоқ, ети суягига ёпишмоқ
ТИШЛОҚ	тишланган егулик, бировнинг ризқи
ХИЛИМ	кўздаги нам туфайли пайдо бўладиган йиринг
ХИЛЛА	аранг, зўрға
ХОМАЛАК	товуқларнинг совуқ ва нам истаб ерни тирнаб очиши ва шу ерда тўшини ерга бериб ётиши
ХУНОРА	кишининг ғашлик натижасида асабийлашиши
ҲАЛДИР-ҲУЛДИР	ҳар нарсага аразламайдиган, ўзига ёмон олмайдиган, киришимли
ҲАПШАК	бедана овида қўлланилувчи тўрли тузоқ
ҲИЛ	олов тафти
ЧОРДАРА	тўрт томоно очик
ЧУВИМОҚ	Қуёшга тобланиб ўтириш
ШАМАТАЛОҚ	ҳеч нарса
ШИДДОН	сомон кўмиладиган чуқурлик

9. Худуднинг иқтисодий, маиший ва ҳўжалик соҳасидаги инновациялари ҳам унинг шевасида алоҳида фарқланиш бирликларини юзага келтиради. Андижонда оммалашган “*халталаб экии*” атамаси айна шу ҳудудда оммалашган ва дастлабки даврда бошқа худудлар учун ва демакки бошқа шевалар учун ўзгача тушунча сифатида қаралади ва муайян лақунарликни юзага келтиради. Бундан ташқари шеваларни бир-биридан ва адабий тилдан фарқли жиҳатларини кўрсатувчи қонқариндошлик, кийим-кечак, овчилик, балиқчиликка оид диалектал терминлар ҳам талайгина. Бу каби диалектизмлар ҳақида дарсликлар ва ўқув адабиётларида етарлича маълумотлар берилган (6, 166).

Муайян шеванинг адабий тил лексикасидан фарқли жиҳатларини аниқлаш учун шу шева вакилларининг маиший ва кундалик фаолиятида фаол қўлланилувчи сўзларни ўрганиш ва тўпланган материалларни тилнинг меъёрий луғатлари билан солиштириб чиқиш талаб этилади. Биз томонимиздан ўтказилган кичик тадқиқот натижасида Жиззах вилояти Бахмал туманидаги турк-калтатой шеваси лексикаси адабий тил лексикаси билан қиёслаб ўрганилди. Кузатишлар натижасида адабий тилда номи мавжуд бўлмаган тушунчаларни номловчи куйидаги диалектизмлар мавжудлиги аниқланди:

Бу каби диалектизмларни аниқлаш ва тил лексикасини бойитиш учун сафарбар этиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида кенг ўрганилган ўзбек халқ шеваларининг бугунги тадрижий ривожини, лексик таркибининг бойиш жараёнлари унинг яна қайта ўрганилишини тақозо этади.

Ўзбек халқ шеваларининг бир-биридан ва адабий тилдан фарқланишини улардаги муштарак сўзларнинг маъно жиҳатидан фарқланишидан ҳам сезиш мумкин. Масалан, буви сўзи адабий тилда ҳамда Тошкент шевасида она ва отанинг онасини билдирувчи қариндошлик атамаси сифатида қўлланилса, Фарғона шевасида она маъносини ифодалайди (6, 165). Бу каби жараёнлар икки (ёки ундан ортик) элатнинг бошқа-бошқа ҳаёт тарзи, маънавияти ва дунёқарашини натижасида шаклланади. Айна шу хусусиятларни ўғиз гуруҳидаги турк ва қарлуқ гуруҳидаги ўзбек этнослари тили муқоясаси орқали таҳлил қилган профессор Н.Маҳмудов фарқли маънога эга бўлган муштарак сўзларни юзага келтирувчи омиллар хилма-хил эканлигини таъкидлайди.

Олимнинг фикрича, айна бир сўзнинг турли қардош элатларда турлича маъновий тадрижи: 1) кўп маъноли сўзнинг бирор маъноси вақт ўтиши билан йўқолиши; 2) сўзга янги маъно юкланиши; 3) сўзнинг икки тилда мустақил маъно тараққиёти натижасида бир-бирига зид (ёки ноўхшаш — А.Х.) сўзга айланиши; 4) араб ва форс тилларидан олинган сўзларнинг фарқли маъноларда қўлланилиши; 5) араб ва форс тилларидан олинган сўзларга янги маънолар юкланишидан юзага келади. Шунингдек, бу каби маъновий фарқланувчи сўзлар икки элат вакилининг коммуникация жараёнида чалғитувчи воситага айланиши мумкинлиги алоҳида қайд этилади (4, 115).

Хулоса. Таъкидлаш жоизки, шеваларнинг адабий тилдан фарқланиши унинг моҳиятини ташкил этувчи атрибут саналади. Юқоридаги фикрлардан билиш мумкинки, шеваларнинг адабий тилдан фарқланишида шу шева аҳолисининг турмуш тарзи, дунёқарашини, маиший ва кундалик фаолиятда ишлатиладиган буюмлар, иш қуроллари, шунингдек, улар яшайдиган худуднинг табиий тузилиши, иқлими, рельефи ҳамда ҳайвонот, наботот оламининг турфа хилликлари асосий омиллардан ҳисобланади. Албатта, диалектларнинг адабий тилдан

фарқланишида шева вакилларининг лисоний идроки, қардош ва қўшни халқлар билан алоқаси ва сўз яшаш имкониятлари ҳам бу борада муайян аҳамиятга эга.

Адабий тил ва шевалар лексикасининг фарқланиш омилларини таҳлил этиш орқали:

1) лексик тизимдаги лақуналарни бартараф этишда қайси шеваларнинг катта имкониятларга эга эканлиги;

2) шеваларнинг адабий тилга ва бир-бирига қандай таъсир ўтказишини;

3) шева вакилларининг ўзига хос лисоний дунёқарашга эга эканлигини;

4) тиллараро ва шевалараро интерференция жараёнларининг қандай кечиши тадқиқ этилди.

Энг муҳими, шеваларда фаол қўлланувчи диалектизмларни таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда уларни адабий тил лексикаси билан солиштириш орқали адабий тилда ўз ифодачиси бўлмаган тушунчалар (лақуналар)ни тўлдиришда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар катта лингвистик аҳамиятга эга. Олинган натижалар тил лексикаси софлигини таъминлашга ва уни бойитишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Vinay J., Darbelnet J. *Stylistique Comparée du Français et de L'Anglais*. — Paris, 1973. — 331 p.
2. Xolmonova Z., Saidahmedova O., Nurillaeva O. *Lingvokulturologiyaga oid tushunchalar tadqiqi. /monografiya/ Toshkent: Navro'Z, 2018. — 94 b.*
3. Бегматов Э., Маматов А. *Адабий норма назарияси*. — Самарқанд, 2000. — 140 б.
4. Маҳмудов Н. *Тил тилсими тадқиқи*. — Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. — 178 б.
5. Мусаева Ф. *Ўзбек шеваларида метафора*. // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 2019 йил №4. — Б. 112–116.
6. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. *Ўзбек диалектологияси*. — Тошкент, 1962. — 232 б.
7. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. *Зоминнинг тил қомуси*. — Тошкент: Академнашр, 2012. — 400 б.
8. Шоабдурахмонов Ш. *Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари*. — Тошкент, 1962. — 373 б.
9. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд*. — Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. — 608 б.
10. *Ўзбек халқ шевалари луғати. (Масъул муҳаррир: Шоабдурахмонов Ш.)* — Тошкент: Фан, 1971. — 409 б.
11. Turaeva R. *Linguistic Ambiguities of Uzbek* [Online]. Source: <https://www.nomos-elibrary.de/10.5771/0257-9774-2015-2-463/linguistic-ambiguities-of-uzbek-and-classification-of-uzbek-dialects-volume-110-2015-issue-2>

References

1. Vinay J., Darbelnet J. *Stylistique Comparée du Français et de L'Anglais*. - Paris, 1973. 331 p.
2. Kholmonova Z., Saidahmedova O., Nurillaeva O. *Lingvokulturologiyaga oid tushunchalar tadqiqi* (Research of concepts of linguoculturolog), monograph Toshkent, 2018, 94 p.

3. Begmatov E., Mamatov A., *Adabiy norma nazariyasi* (Literary norm theory), Tashkent, 2000. 140 p.
4. Mahmudov N. *Til tilisimi tadqiqi* (Linguistic research), Tashkent: Classic word, 2017. 178 p.
5. Musaeva F., *Uzbek language and literature*, 2019, No.4. pp.112–116.
6. Reshetov V., Shoabduraxmonov Sh., *Uzbek dialektologiyasi* (Uzbek dialectology), Tashkent. 1962. 232 p.
7. Toychibaev B., Kashkirli Q., *Zominning til komusi* (Zaamin's language encyclopedia), Tashkent, Akademnashr, 2012. 400 p.
8. Shoabdurakhmanov Sh., *Uzbek adabiy tili va khalq shevalari* (Uzbek literary language and folk dialects), Tashkent. 1960. 373 p.
9. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language), Vol. 5. Toshkent: National Encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House 2007, 608 p.
10. *Uzbek khalq shevalari lugati* (Dictionary of Uzbek folk dialects), responsible editor: Sh. Shoabdurahmonov, Tashkent: Science, 1971, 409 p.
11. Turaeva R. Linguistic Ambiguities of Uzbek [Online]. Source: <https://www.nomos-elibrary.de/10.5771/0257-9774-2015-2-463/linguistic-ambiguities-of-uzbek-and-classification-of-uzbek-dialects-volume-110-2015-issue-2>